



№ 1155

20 20-йil « 11» декабрь

“MINOR STROY” масъулияти чекланган жамиятига инвестиция шартномасида кўрсатилган талаблар бажарилиши учун ер майдони ажратиб бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги “Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5511-сонли Фармони ижросини таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 январдаги 2-сонли Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича Ўшчи гуруҳ йиғилиши баённомаси, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 12 февралдаги 222-сонли қарори ҳамда “MINOR STROY” масъулияти чекланган жамияти билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўртасида тузилган 2019 йил 29 январдаги 43-сонли инвестиция шартномасини инobatга олиб, Тошкент шаҳар Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасининг 2020 йил 11 декабрдаги 01/1455-09-сонли хати ҳамда “MINOR STROY” масъулияти чекланган жамиятининг мурожаатини кўриб чиқиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказиладиган “Инвестор куни” ҳафталик тadbирини ташкил қилиш ва ўтказиш Регламентига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “MINOR STROY” масъулияти чекланган жамиятига Юнусобод тумани, Бодомзор йўли, КҲАЙ ва Шивли кўчалари кесишмасида кўп қаватли турар жой комплекси қуриш учун аҳоли пунктлари ерларидан майдони 1,2 гектарли ер (чегара режасига мувофиқ) доимий фойдаланишга ажратиб берилсин.

2. “MINOR STROY” масъулияти чекланган жамияти:

ажратилган ер майдони Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида рўйхатдан ўтказиш учун буюртма берилсин;

мазкур ҳудудда жойлашган муҳандислик тармоқларини кўчириш ёки муҳофаза ҳудудини сақлаб қолиш ишлари ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инobatга олинсин;


қурилиш ишлари тугагандан сўнг, ер ости муҳандислик иншоотларининг ижро топосурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харитаси “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти” давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиалига топширилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўртасида тузилган 2019 йил 29 январдаги 43-сонли инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисидаги шартномасида кўрсатилган талаблар бажарилмаган тақдирда ажратилган ер участкасини инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 4-боб, 36-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзага келганда, ушбу қарор бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятлов ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Раҳманов зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими



Ж.Артикходжаев